



БАРЧА СОҲАЛАРДА ВА ҲАМИША ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15 июль куни пойтахтимизнинг
Юнусобод туманига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Қўриқлаш бошқармаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан профилактика инспекторлари ўзи хизмат қилаётган ҳудудда яшайдиган, фуқаролар йиғинлари билан бирга ишлайдиган янги тизим яратилмоқда. Профилактика инспекторлари уй-жой, автомобиль ва замонавий техника воситалари билан таъминланмоқда.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани юртимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлашда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиздаги барча ички ишлар органларини ўзаро боғловчи оптик толали тизим барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 8 июль куни Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори хизмат хонасида компьютер орқали Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан видеомулakat қилган эди.

Пойтахтимизда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Президентимизга ушбу соҳада қўлланилаётган техникалар ва уларнинг ишлаш жараёни, истиқболдаги режалар ҳақида ахборот берилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида «Хавфсиз шаҳар» бошқарув ситуацион маркази ташкил этилмоқда. Бу йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш хизмати, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геoinформацион тизим орқали бошқариш имконини беради. Корхона ва ташкилотлар, бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, GPS ва ГЛОНАСС глобал навигация тизимлари билан таъминланган хизмат автомобиллари, замонавий сигнал узатиш техникаси бунда қўл келади.

Юнусобод тумани ҳудуди уч қисмга ажратилган ва уларда техник қўриқлаш марказлари ташкил этилган. Ҳар бир марказга муайян маҳалла ва ташкилотлар, хонадонлар ва бошқа объектлар бириктирилган. Агар ўша ҳудудда бирор хавф эҳтимоли сезилса ёки воқеа содир бўлса, марказдаги текзор ҳаракатланувчи гуруҳ тезда етиб боради.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги тизим сигналларни мис кабелъ, оптик тола, интернет, сунъий йўлдош орқали узатиш ва қабул қилиш имконини яратади. Яъни, хабар узатиш ва ишни ташкил этишда ҳеч қандай узилиш бўлмайди.

Таҳлиллар ҳозир ушбу тизимдан фойдаланилаётган жойларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар камайганини кўрсатмоқда. Замонавий технологияларга асосланган мазкур қўриқлаш тизимига ўтаётган корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва хонадонлар кўпайиб бормоқда.

Тинчлик-осойишталикни таъминлаш тизими бугунги ҳаёт талабларига мос бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Янги замонавий тизим самарали ишлаши учун уни пухта ўзлаштириш, босқичма-босқич амалиётга тадбиқ этиш ва такомиллаштириб бориш зарур.

Мазкур бошқарув тизимини синовдан ўтказиш, ички ишлар ходимларининг ахборот технологиялари бўйича билимини ошириш, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкентдаги Инха университетида ихтисослашган кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ўқув дастурини такомиллаштириш, тизим пухта ўзлаштирилганидан кейин уни мамлакатимизнинг барча шаҳарларида жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Барча соҳаларда ва ҳамиша инсон манфаати устувор бўлиши керак,



Сенатор ШОТЎЛҒАНОВ олган суратлар

Бўзув канали бўйида маданият ва истироҳат боғи барпо этилади.
Юнусобод янада кўркам ва обод бўлади.

деди давлатимиз раҳбари. Жумладан, ички ишлар ходимларининг моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш, уларнинг оилалари учун кўп қаватли уйлар қуриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигини кенгайтириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида Хитой тажрибасини ўрганиш, соҳада қўлланилаётган техник воситаларни маҳаллийлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари «Shifo Nur» кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, шифокорлар ва беморлар учун

физיותרapia ва оптика йўналишлари бўйича аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш керак, деди Президентимиз. Амалиётга энг замонавий технологияларни жорий этиш билан бирга, улардан самарали фойдаланишни ҳам таъминлаш, шифокорлар билими ва малакасини муттасил ошириб бориш зарур.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежида 11 йиллик мактаб таълимини ташкил этиш лойиҳаси тақдироти ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

Юртимиздан дунё илм-фани та-

муҳими, уларни тарбияли, ота-онасини ҳурмат қиладиган, ватанпарвар қилиб вояга етказишимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи жойлашган Исломобод маҳалласида 3 минг 165 аҳоли истиқомат қилади. Лекин маҳалла ҳудудида мактаб йўқ. Ёшлар бошқа маҳаллардаги мактабларга боришга мажбур. Учрашувда маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳудуддаги ушбу коллежни 11 йиллик мактабга айлантириш таклифини билдирди. Президентимиз ушбу таклифни ўрганиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шу ерда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бир гуруҳ фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш, ёш композиторлар уйини ташкил этиш ва бошқа масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Исломобод маҳалласида яшовчи Тўлағановлар хонадонида бўлди.

Тоҳир ака бир умр ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Тўрт ўғилни эл ишига камарбаста инсонлар этиб тарбиялаган.

Сўхбатда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари, фарзандлар тарбияси ҳақида сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев Бўзув канали бўйида барпо этиладиган маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди. Боғда муталаа ва мулоқот қилиш учун махсус жойлар, фавворалар барпо этилади, амфитеатр, кўргазма павильонлари, спорт ва соғломлаштириш зоналари, хаваскор балиқчилар клуби ташкил этилади, замонавий аттракционлар ўрнатилди.

Президентимиз бу ерни маданият ва маънавият масканига айлантириш, ёшлар, китобхонлар учун барча шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Боғни барпо этишда табиий рельефдан оқилона фойдаланиш, турли дарахт ва гулзорларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

«Ўзэкспомарказ» мажлислар залида Президентимиз раислигида Тошкент шаҳри фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Юнусобод туманини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли учун замонавий қўлайликлар яратиш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва арзон нархларда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мақсадида нархлар шаклланишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика саноатини қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, улгуржи ва чакана савдо учун чекланган савдо ус-тамалари белгиланди, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган нархларда сотиш тизими жорий этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини оширилган нархларда сотиш ҳолатларини профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида товар чекларини бериш талаби киритилди.

Фармацевтика тармоғида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар мавжуд, жумладан:

биринчидан, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш

муддатларини сунъий кечиктириш ҳамда ички бозорда тақчилликнинг юзага келишига олиб келувчи импорт қилишдаги ортиқча тартиб-таомиллар;

иккинчидан, валюта ресурсларидан оқилона фойдаланиш, импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш учун дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжларни белгилашнинг аниқ механизми мавжуд эмаслиги;

учинчидан, четдан олиб келинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукамал эмаслиги;

тўртинчидан, маҳаллий ҳомашё ресурсларидан старли даражада фойдаланилмаслиги сабабли мамлакатимиз фармацевтика корхоналарининг четдан харид қилинадиган ҳомашё ва материалларга юқори даражада қарамлиги;

бешинчидан, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар ишидаги камчиликлар, шу жумладан, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ва нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўямаслик мақсадида:

► Давоми 2-бетда.

Муносабат

ЮКСАК ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан 2017 йил 12 июль куни ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, бу борада сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини ошириш, вакиллик ҳокимиятининг мавқеи ҳамда таъсир кучини юксалтиришда тарихий аҳамиятга эгадир. Маърузада камчилик ва сустқашликлар сабаблари таҳлил этилди, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди. Шунингдек, парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар олдида турган вазифалар, уларнинг ваколатларини кенгайтириш билан боғлиқ муҳим тақлифлар илгари сурилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, партия ташкилотлари етакчилари, барча даражадаги депутатлар ушбу маърузани чуқур ўрганмоқда, танқидий-таҳлилий фикрлардан керакли хулосалар чиқариб олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

1. Белгилаб қўйилсинки:

2017 йил 1 августдан бошлаб Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тариқасида «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси (кейинги ўринларда «Ўзмедэкспорт» РТИДК деб юритилади) томонидан Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдолари ўтказилмасдан амалга оширилади;

2017 йил 1 июлгача тузилган импорт контрактлари бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш ва сотиш уларни тузиш санасида амалда бўлган шартлар ва белгиланган нархларда амалга оширилади;

тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаштириш фақатгина «Ўзстандарт» агентлигида ўрнатилган тартибда аккредитация қилинган давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади;

«Ўзмедэкспорт» РТИДК Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини 2017 йил иккинчи ярим йиллигида уларга бўладиган қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминласин.

«Ўзмедэкспорт» РТИДКга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш бўйича агентларни шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Ўзмедэкспорт» РТИДКнинг омбор ва музлатиш хоналари, шунингдек, логистика тармоқларини ташкил этиш бўйича таклиф киритсин.

2. Белгилансинки, дорихоналар 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни амалга ошириш лицензияларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини қайта расмийлаштиришлари шарт.

«Давоми. Бошланғич 1-бета».

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сонини 30 тага оширган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида 2 нафар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида 4 нафар штат бирлигидан иборат дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири (А.Шадманов) икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тузилмаларига ўзгартишлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзфарманоат» ДАК билан биргаликда бир ой муддатда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини танқидий қайта қўриб чиқиб, натижаси бўйича шифокорнинг қатъий рецептига асосан сотиладиган дори воситаларини рўйхатга киритиш орқали уни келгусида заруратга қўра янгилашни инобатга олган ҳолда мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини билан биргаликда бир ой муддатда касалланиш, беморлар сони, даволаниш курслари ва бошқа мезонларни инобатга олган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлашнинг самарали методологияси, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар, фармацевтика корхоналари ва улгуржи ташкилотларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни етказишни назарда тутувчи Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси бир ой муддатда белгиланган нархни шакллантириш

жараёнига курс фарқлари ўзгаришининг таъсирини қамайтиришни назарда тутган ҳолда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мутахассисларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда «Ўзфарманоат» ДАК ва унинг тизимига кирувчи корхоналарнинг фаолиятини, шу жумладан, ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархлари шаклланишини, шунингдек, корхоналарни ишлаб чиқарувчи деб тан олиш учун маҳаллий хомашдан фойдаланиш даражасини танқидий ўрганиб чиқсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини:

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари штат жалвалини тасдиқласин ҳамда олий фармацевтика маълумоти ва фармацевтика соҳасида камда уч йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, «Ўзэлтеханоат» АК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича янгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда дорихоналарнинг амалдаги лицензиялари қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда қатъий ҳисоби юритиладиган бланк ҳисобланадиган,

товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини билан биргаликда бир ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини шакллантириш тартиби қўпол бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган дорихоналар манзиллари ва қонунбузилишларга бевосита алоқадор ходимлар (провизорлар, фармацевтлар)нинг барча учун очiq бўлган ягона реестрини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар ойда дорихоналарнинг ягона манзиллар реестри ва ходимлар (провизорлар, фармацевтлар)нинг реестрига киритиш учун маълумотларни тақдим этиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида ўзининг ижтимоий дорихона тармоқларини ташкил этиш;

фуқаролар томонидан дори воситалари назоратсиз қўлланилишининг, шу жумладан, дори воситаларини фақатгина шифокорлар рецепти асосида сотиш тўғрисидаги талабларнинг сўзсиз

бажарилишини таъминлаш орқали олдини олиш, Рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатига киритилган дори воситалари бундан мустасно;

шифокор рецепти бўйича бериладиган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситаларининг сотилишини мониторинг қилишни таъминловчи ахборот тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (А.Н.Юнусходжаев) ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини ва республиканинг даволаш-профилактика муассасаларини улар билан таъминлаш аҳолини мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этсин.

Ишчи гуруҳи мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган нархларга риоя қилишнинг аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Фуқароларни арзон нархларда зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишининг муҳим шартли ҳисобланади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг нархларини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, улгуржи савдо учун — сотиб олинган қийматнинг 15 фоизидан қўп бўлмаган миқдорда, чакана савдода эса — улгуржи нархнинг 20 фоизидан қўп бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари белгиланди.

Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотишнинг тизими жорий этилди.

Фармацевтика sanoatини ривожлантириш мақсадида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш учун маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Шу билан бирга, аҳолини зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар кузатилмоқда, жумладан:

амалдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишдаги ортинча тартиб-таомиллар уларни етказиб бериш муддатларининг сунъий кечикчирилиши ва ички бозордаги тақчиллиги юзга келишига олиб келмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни белгилаш бўйича аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслиги импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни прогноз қилиш имконини бермапти;

импорт қилинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукаммал эмаслиги кузатилмоқда;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етарли даражада маҳаллийлаштирилмаганлиги маҳаллий фармацевтика корхоналарининг импорт хомашёси ва материаллари-га юқори даражада қарамлигини юзга келтирмоқда, оқибатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархлари кескин ошмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган, бу лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарорда аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг тақчиллиги вужудга келишига йўл қўймайликка қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, ушбу қарорга мувофиқ 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш фақатгина «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Ушбу корхонага ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини жорий йилининг иккинчи ярмида қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминлаш топширилди.

Бундан ташқари, тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаш сифатини янада ошириш мақсадида ушбу фаолиятнинг фақатгина давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича янгидан жорий этилган талабларга асосан уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бўйича амалдаги лицензиялари 2018 йил 1 январга қадар қайта расмийлаштирилиши шартлиги белгиланди. Бунда қайта расмийлаштириш янги лицензияловчи орган — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини томонидан амалга оширилади.

Ушбу мақсалларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини қайта қўриб чиқиш, натижаси бўйича уни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситаларининг савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш;

дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш вазибалари юклатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Умуман олганда, қабул қилинган қарор фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолини арзон нархларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш имконини беради.

ЮКСАК ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ



Раймберган САБУРОВ,
халқ депутатлари Хоразм
вилоят Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи раҳбари:

— Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан ўтказган учрашуви аввало тарихийлиги билан долзарб аҳамият касб этади. Мамлакатимизда давлат раҳбарининг парламент аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан бундай фарматда очик, конструктив суҳбати ҳали бўлмаган.

Давлатимиз раҳбари учрашув давомида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг қониксарсиз фаолиятига бир неча мартаба эътибор қаратди. Жумладан, жойларда аҳолини қийнаётган муҳим ижтимоий масалаларни ечишда суҳбатчиликка йўл қўйилган, бунинг натижасида жойида ечилиши мумкин бўлган айрим муаммоларнинг республика миқёсига чиқарилиши, парламентда қабул қилинаётган қонунларнинг ҳалқимизга етиб бормаслиги, депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотлари самарали бўлиши алоҳида тўхталиб ўтилди.

«...депутат бўлиш, халқ ишончини қозониш ва уни муносиб равишда оқлаш — бу осон эмас. Бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Депутат — фикри зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиши ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс», дейилди йиғилишда.

Тўғриси айтсам, ўзимни сайловчилар ташвиши билан яшаб келаялман, уларнинг муаммоларига ечим топишда кўмаклашялман, деб ҳисоб-

лардим. Бўлиб ўтган учрашувдан кейин депутатлик фаолиятимни танқидий таҳлил қилдим. Сайловолди дастуримининг асосий қисмида белгиланган вазифалар ҳали ўз ечимини топмаганига амин бўлдим.

Мен депутат бўлиб сайланган Урганч туманининг Қоромон, Бекобод, Чокўпир қишлоқлари ҳудудида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, автомобиль йўллари таъмирлаш, мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларга тарбияланувчиларни жалб этиш, умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида йўлга қўйиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш муаммолари тўлалигича ҳал этилмаган. Ушбу масалалар бўйича тегишли ташкилот, муассасаларга, туман ҳокимлигига белгиланган тартибда депутатлик сўровлари, расмий ёзишмалар билан мурожаат қилинган. Лекин ушбу мурожаатларда кўтарилган масалалар тўлиқ ечим топгани йўқ. Бунинг сабаби депутат сифатида менда талабчанлик, қатъиятлик етишмаганлиги, деб ҳисоблайман.

Сайлов округи ҳудудида ўз ечимини кутаётган масалалар бўйича ишларни давом эттириш, сайловчилар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, улар билан тез-тез учрашиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида суҳбатлар ташкил этиш бўйича қатор вазифаларни белгилаб олдим. Айниқса, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тушун-

тириш, уларнинг ижроси устидан депутатлик назоратини янада кучайтиришимиз керак. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳудуддаги муаммоларни шу ердан сайланган депутатдан бошқа чуқурроқ, яхшироқ биладиган одам бўлмайди. Агар депутатлар ҳар қайси ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда белгиланган вазифалар ижросини назоратга олмаса, амалий натижага эришиб бўлмайди.

Мамлакатимиз Президенти бугунги кунда кўпчилиكنи қийнаб келаятган жиддий масалага ҳам ечим топиб берди. Маълумки, мамлакатимизда амалдаги қонунларга асосан депутатликка номзодларни сиёсий партиялар кўрсатади. Қонунчилигимизда сайловдан кейин номзодни кўрсатган сиёсий партия билан депутатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солидиган қоида мавжуд эмас эди. Давлатимиз раҳбари фаол ишламаётган ва ўз вазифасини талаб даражасида бажармаётган, партия билан алоқани узиб қўйган маҳаллий Кенгаш депутатларини тегишли сиёсий партия таклифи асосида депутатликдан қақриб олиш бўйича қонунчиликка ўзгартиш киритиш таклифини берди.

Шу билан бирга, депутатларнинг янада фаол, ташаббускор, талабчан, қатъиятли бўлишлари учун уларни рағбатлантириш тизимини шакллантириш юзасидан берилган таклифлар барча депутатларимизни рағбатлантириб юборди.

Ўйлайманки, бўлиб ўтган очик мулоқотдан ҳар бир депутат, ҳар бир партия фаоли ўзига тегишли ҳулосаларни чиқариб олди. Эндilikда мулроқдик билан иш тутиб бўлмайди. Ташаббус кўрсатиш, фаолалишиш вақти келди.

Халқ дардини тингламасак, уларнинг оғирини енгил қилмасак, нафақат сайловчилар олдидаги бурчимизга, балки виждонимизга ҳам хиёнат қилган бўламиз.



Абдуғаффор ҚИРФИЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Президентимиз парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларни очик-ошкора кўрсатиб берди.

Жумладан, сиёсий партияларда ташаббус етишмаётгани, уларнинг халқ олдида берган ваъдалари аксарият ҳолларда эсдан чиқиб қолаётгани, ўз сайловолди дастурларида илгари сурилган

Бугун «мен сенга тегмайман, сен менга тегма» қабилда иш туттишга парламент аъзолари, халқ вакилдорининг умуман ҳақи йўқ. Қонун лойиҳалари бўйича асосли таклиф киритилмасдан, баҳс-мунозарага киришмасдан, доимий қўллов-қувватлаш билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Чунки замоннинг ўзи ҳор биримиздан янада шиддат билан ишлашни, янги ташаббуслар билан чиқишни кўтмоқда.

ваъдаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича улар томонидан жўяли ташаббус амалга оширилмагани ёки мавжуд муаммолар ечимига қаратилган бирор бир қонун лойиҳаси таклиф этилмагани айтиб ўтилди.

Бугунги кунда парламент аъзолари томонидан қонунлар ижроси назоратини таъминлашда фаоллик етишмаслиги ҳам ҳақиқат. Юртимизда жадаллик билан олиб борилаётган ислохотларга муносабат ва фикр билдиришда сусткашликка йўл қўйилаётгани, айрим депутат ва партия фаоллари ҳануз мураётгани, жойлардаги муаммоларни

ўрганиб, ечими бўйича таклиф ишлаб чиқиш масалаларида бепарволикка йўл қўйилаётганини ҳам тан олишимиз керак. Бугун «мен сенга тегмайман, сен менга тегма» қабилда иш туттишга парламент аъзолари, халқ вакилдорининг умуман ҳақи йўқ. Қонун лойиҳалари бўйича асосли таклиф киритилмасдан, баҳс-мунозарага киришмасдан, доимий қўллов-қувватлаш билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Чунки замоннинг ўзи ҳор биримиздан янада шиддат билан ишлашни, янги ташаббуслар билан чиқишни кўтмоқда.

Қонун лойиҳаларини ёки ҳисоботларини ёқлаб, қўл кўтарганимиз билан жойлардаги муаммоларга ечим топиб, сайловчи ишончини оқлаб бўлмайди. Шунинг учун бир ёқлама иш туттишдан воз кечиш, бирдамликда ишлаш вақти келди, деб ҳисоблайман. Маҳаллий Кенгаш депутатларини методик қўллаш билан таъминлаш, доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг фикрлари ва масалалари асосида қонун лойиҳаларига ҳаётий таклифлар тайёрлашимиз керак. Чунки маҳаллий Кенгашлар депутатлари биздан кўра халққа яқин, одамларнинг орзу-истакларидан яхши хабардор бўлади.

Давлатимиз раҳбари депутатлар нуфузини кўтариш, сиёсий партиялар имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ҳам аниқ таклифлар берди. Депутатлар фаолиятини ошириш, сиёсий партиялар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш устувор вазифа саналади. Бунинг учун сиёсий партияларнинг ҳудудий ташкилотларидаги аҳолини яхшилаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологиялари ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларини ҳал этиш лозим.

Президентимиз маърузасини тинглаб, депутат бўлиб нима қилдим, деган савол устида бош қотирдим. Фаолиятимни танқидий баҳолаб эканман, ўз олдимга қатор вазифалар қўйдим. Аввало, кўпроқ ва самаралироқ ишлашим лозимлиги, қонунлар қабул қилишда фаоллик кўрсатиш кераклигини ҳис қилдим. Бунинг учун эса кўпроқ аҳоли вакиллари билан учрашиб, улар билан яқиндан мулоқот қилишимиз лозим, деган ҳулосага келдим. Ана шунда биз халқимиз дарди ва муаммоларини тинглаш, амалий кўмак бериш имконига эга бўламиз. Асосий ҳулосамиз шуки, эндиликда рақамлару ҳисоботлар учун эмас, натижа учун ишлашимиз керак.

ЎзХДП ҳаётидан БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси Президентимизнинг «Ижтимоий барқарорлини таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» деб номланган нутқидан келиб чиқиб, семинар ўтказди. Унда депутатлар, партия фаоллари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Маърузада билдирилган фикрларни чуқур ўрганиб, уларнинг моҳиятини англаб етиш барчамиз учун ўта муҳимдир, — деди Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси аъзоси Халилла Ешимбетов. — Шунингдек тан олиш керакки, маърузани ўрганар эканмиз, ёшларни фаол ҳаётга жалб этиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, турли ёт гоълар таъсиридан асраш борасидаги фаолиятимиз қониксарли эмаслигини ҳис этдик. Шунинг учун ишларимизни таҳлилий-танқидий қайта қўриб чиқялмиш.

Семинарда ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оила-лар, маҳаллалар, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Бугунги кунда ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб тургани ҳеч кимга сир эмас, — дейди Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси Нариман Утепов. — Аслида ислом дини, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди, хунрезлик, қотиллик, зўравонликни қоралайди. Фарзандларимизни меҳр-мурувватли, ақл-заковатли инсонлар этиб тарбиялашимиз керак. Маҳалламизда бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўри йўлдан қайтаришга барчамиз масъулмиз.

Тадбирда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган вазифалар белгиланиб олинди.

Минажатдин КҲТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электрат манфаати

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Сурхондарё вилоятининг Уzun туманида 160 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида ҳудудда қўллаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

«Узунқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини туман марказидан 5 километр олисда жойлашган бўлиб, ҳудудда 3 минг 900 нафарга яқин киши истиқомат қилади. Ўтган асрнинг 90-йилларида бу ерда артезиан кудуги қазилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланганди. Орадан йиллар ўтиб, кудугнинг ускуналари эскиргач, сув таъминотида қийинчилик юзга келди.

— Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ушбу муаммо бартараф этилди, — дейди «Узунқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одилов Умрзоков. — Саросий туманидаги «Изоляция» кичик корхонаси жомоаси кудугни тўлиқ таъмирлаб берди. Натижада хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

МАЪРИФАТ БИЛИМ ВА МУЛОҚОТДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши Президентимизнинг «Ижтимоий барқарорлини таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» маърузасидаги нутқи мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш ҳамда партия ташкилотлари томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан дастур ишлаб чиқди. Унга асосан шаҳар ва қишлоқларда, билим юрлари ва меҳнат жамоаларида партия электратоти ҳамда уюшмаган ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Бундай учрашув ва давра суҳбатларида партия гуруҳи аъзолари, дин уламолари, ҳаётий тажрибага эга кишилар, ёзувчилар, олимлар иштирок этишмоқда. Савол-жавоб ва баҳс-мунозара билан ўтаётган мулоқотлар чоғида, айниқса, ёшлар тарбияси, маънавий таҳдид, ота-она бурчи каби мавзуларда қизиқарли суҳбатлар бўляпти, амалий таклифлар айтилмоқда. Партия кенгашлари раислари, депутатларнинг электратот ва Фарғона шаҳар



ёшлари билан ўтган «Жаҳолатга қарши маърифат» мазсидаги учрашув ҳам гоъат қизиқарли бўлди. — Бола тарбиясини уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилишдан бошлаш керак, — деди ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси Муҳаммаджон Мирзаев. — Улар орасида тарбияга муҳтожлар кам эмаслигини уйма-уй юриб суҳбатлашган чоғда аниқлапмиз. Ёшлар тарбиясига масъул ўқитувчиларчи?

Уларнинг педагогик фаолиятини қўя туриб, ўз ҳаёт тарзи билан ҳам шоғирдларига ўрнак бўла оляптиларми?.. Афсуски, бу борада ҳам муаммоларимиз бор экан. Партия фаоллари, депутатлар, фахрийлардан тузилган гуруҳимиз 500 дан зиёд хонадонни ўргандик. Бирида ёрдамга муҳтож бемор, бирида иш-ханда кўллаб ҳўкм ва тавсиялар, пайгамбаримиз, саҳобалар ҳаётидан ибратли мисоллар мавжуд.

12 нафар ишсиз электратот вакилини корхоналарга ишга жойлаштирдик. Беморларни шифохоналарга ётқизиб, дори-дармонидан хабар олиб турибмиз. Адашган ёшларга ҳаётий муаммоларини ечишда кўмаклашиб, қалбига йўл топишга, ҳаракат қилишга.

Биз, партия етакчилари илгарилари расмий йиғилиш ёки учрашув ўтказиш учунгина тўпланар эканмиз. Унинг самарасини тадқиқ қилмаганмиз. Бу камчилигимизни уйма-уй юриб, ҳамшаҳарларимизнинг юрак сўзларини тинглагач, англадик.

Фарғона шаҳар бош имом хатиби Жўрабек Раҳмонов ислом динининг софлигини асраш йўлида қилинаётган ишлар, бу борада жамоат ташкилотлари, жумладан, ЎзХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари билан ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтди:

— Тарбия асосида шўкроналик туриши лозим. Бу аввало тинчликка, фаровонликка, саломатликка шўкроналикдир. Динимизда бу ҳақда қўллаб ҳўкм ва тавсиялар, пайгамбаримиз, саҳобалар ҳаётидан ибратли мисоллар мавжуд.

Шўкрона қилган одам асло жаҳолат кўчасига қирмайди.

ЎзХДП Данғара туман кенгаши раиси Зиёдаҳон Ҳамралиева ёшларни интернет таҳдидидан асраш учун ота-она ва устозлар ўқувчилар телефонларини назорат қилиб бориши кераклигини таъкидлади.

— Интернетнинг билим олишдаги афзалликларини ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди. Аммо ёт қарашларни тарғиб қилувчи сайтлардан фарзандларимизни қандай асраш мумкин? Биринчидан, тарғибот-ташвиқот билан, иккинчидан, назорат билан, — деди у.

Мулоқот чоғида тарбияда матбуот ва киновнинг ўрни масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Дилбархон Мамажонов аянжуманга яқун ясар экан, бу каби жонли мулоқотлар мавсумий эмас, қўндалик иш фаолиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жойлардаги муаммоларни кўрсатиб ўтиш билан иш битмайди, уларни ҳал этиш чораларини кўриш, жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали масала ечими бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

ИЛМИЙ МАКТАБ АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Сайқали рўйи замин», «Фирдавсмонанд шаҳар», «Балдаи махфуз» каби юксак сифатлар билан тилга олинган Самарқанд илм ва маданиятнинг қадимий ўқоқларидан биридир. Кўча тарихнинг илк қадамларидан бошлаб жаҳонгирлар, санъат ва маданият аҳли, толиби илмлар, маърифат шайдолари интилган ва жам бўлган ушбу замин Имом Мотуридид, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хўжа Ахрор Вали сингари буюк сиймоларни камолга етказган.

Ислон маданиятининг илк даврларидан бошлаб ўзининг илмий салоҳияти ва нуфузи билан мусулмон шарқи мутафаккирлари ва толиби илмларини жалб этган Самарқанд мадрасалари Абу Абдулло Рудакий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Али Қушчи сингари кўплаб илм аҳли ва сўз усталарининг камол топишига хизмат қилган. Уларнинг барчаси Хазрат Навоий таъбири билан айтганда, «тахсил учун Самарқандга келган. Бу жараён, айниқса, олимлар султоню, султонлар олими Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги ва у асос солган мадраса олия фаолияти даврида кенг тус олди.

Мирзо Улуғбек мадрасаси ва расадхонасида дунёвий илмлар ривожланишига шохид бўлган азим Самарқандда XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда иккинчи замонавий олий ўқув юрти фаолият кўрсата бошлади. 1927 йилда Олий педагогика институтининг ташкил этилиши Самарқандда олий таълим тизимининг янги босқичини бошлаб берди. 1930 йилдан Педагогика академияси, 1933 йилдан Ўзбекистон давлат университети деб юритилган Самарқанд давлат университетида илк ташкил этилган илмий марказлардан бири ўзбек-тожик адабиёти кафедраси бўлиб, ўзбек ва тожик адабиётшунослиги фанларининг шаклланиши кўп жиҳатдан шу илмий марказ фаолияти билан боғлиқ.

Абдурауф Фитратнинг Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Бобораҳмон Машраб ҳаёти ва ижоди, аруз шеърининг тизими, Садриддин Айнийнинг Абулқасим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида доир фундаментал тадқиқотлари, Абдурахмон Саъдийнинг «Алишер Навоий ижоди ўзбек классик адабиётининг юксак босқичи сифатида» мавзусидаги

деб зикр этиларди, холос. Навоийнинг Самарқандга келиши сабаблари ҳам номаълум бўлиб, бу борада турли тахминий мулоҳазалар мавжуд эди. В.Абдуллаев «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолияти» мавзуси устида илмий иш олиб борди. Натикада Алишер Навоий Самарқандда тўрт йил яшагани, Самарқанд ва Мовароуннахрнинг қатор шоир ва олимлари билан ижодий алоқада бўлгани, бу ердан олган таассуротлари кейинги бутун ижодига самарали таъсир кўрсатиб, ажойиб ғазал ва достонларига материал сифатида хизмат қилганини илмий жиҳатдан исботлаб берди.

Самарқанд давлат университетида миллий адабиётшунослигимиз тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган бир гуруҳ етук олимлар жамланди. Б.Валихўжаев, Н.Шукуров, С.Мирзаев, Р.Орзибеков, О.Икромов, И.Саъидов, С.Саъидов, С.Халимов, Ш.Шукуров, К.Тоҳиров, А.Абдурахмонов, Ш.Холматов каби адабиётшунослар, матншунослар шунинг натижасида «Алишер Навоий» номи билан

Ботирхон Валихўжаевнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари», «Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия. Университет тарихидан лавҳалар» номли рисолаларида 1420 йилда таъсис этилган Мирзо Улуғбек мадрасаи олия мажмуаси миллий олий таълим тизими тарихида алоҳида саҳифани ташкил этгани, Самарқанд давлат университети ушбу мадрасанинг бевосита вориси ва давомчиси экани ўз аксини топган.

О.Шарафидинов рисоласи ва С.Айнийнинг монографияси чоп этилди. Шу даврда навоийшунослик майдонига кириб келган В.Абдуллаев улуг шоир ва мутафаккир ҳаётининг энг кам ўрганилган давлари — Самарқанддаги ҳаёти ва адабий фаолиятини тадқиқ этишга киришди. Чунки Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди 1941 йилгача умуман ўрганилмаган. Илмий адабиётларда у Самарқандда икки йил бўлиб, Фақиҳ Абулайс мадрасасида тахсил кўрган,

1960 йилларда Самарқанд тилшунослик ва адабиётшунослик мактабининг унчинчи аълод вакиллари фанга кириб келиб, илмий тадқиқотларга янги раҳ ва шижоат бағишладилар. Хусусан, Самарқанд адабиётшунослик мактабининг йирми вақтларидан бири, академик Ботирхон Валихўжаев «Самарқанднинг илмий виждони», «Олиму фозиллар ботир» каби эътирофларга сазовор бўлди. Ботирхон домланинг илмий асарларида закий, кенг қамровли, чуқур мулоҳа-



зали, одоби юксак ва ўта андишли комил инсон ва тадқиқотчининг дилкаш сиймоси кўзга ташланади. Устоз бутун умрини илму зиёга бағишлаган, нафақат ўзбек, балки форс-тожик адабиётининг долзарб муаммолари бўйича кенг қамровли тадқиқот олиб борган зукко, нуқтадон олим эди.

Б.Валихўжаев ўзбек адабиётшунослигида илк мартаба эпик шеърининг тарихини яхлит ҳодиса сифатида кенг қамровда тадқиқ этиши натижасида жанр ва услуб ранг-баранглиги, достоннавислигининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, аъёни ва новаторлиги, хусусан, бадий таржима ва назари аъёнларининг қоришиб кетиши каби масалаларнинг илмий ҳулосалари, мантқий асосларини очиб берди. Олимнинг йиллар давомида олиб борган машаққатли илмий кузатишлари натижасида 1974 йили «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан», 1977 йили «Мирий ва унинг замонашлари» номли китоблари нашр этилди.

Ботирхон Валихўжаевнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари», «Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия. Университет тарихидан лавҳалар» номли рисолаларида 1420 йилда таъсис этилган Мирзо Улуғбек мадрасаи олия мажмуаси миллий олий таълим тизими тарихида алоҳида саҳифани ташкил этгани, Самарқанд давлат университети ушбу мадрасанинг бевосита вориси ва давомчиси экани ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида устоз олимларнинг юксак

илмий аъёнларини шоғирлар давом эттирди. Филология фанлари доктори, профессор Ш.Сирожиiddинов Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг тарихий ва адабий манбалари ҳақидаги фундаментал тадқиқоти учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Самарқанд адабиётшунослик мактабининг бир гуруҳ вакиллари адабий жараён ва ижодкорлар ижодий лабораториясини тадқиқ этишда катта муваффақиятга эришди. Адабий жараён, адабиётшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари билан жиддий шуғулланган олимлар — Н.Шукуров, О.Икромов, С.Мирзаев, Р.Муқимов, Х.Умуров, Ш.Холматов, И.Мирзаев, Ш.Ҳасанов, А.Солиев залворли мавзуларда тадқиқотлар олиб борди. Турли йилларда мактабининг шонли аъёнларини давом эттирган 60 дан ортиқ ёш тадқиқотчи номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Уларнинг аксарияти юртимиздаги олий таълим муассасалари, нашриёт, газета ва журналларда фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз илм-фани, мактаб-маорифи тараққиётига муносиб ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Ана шундай илмий мактаб туфайли XX аср ўзбек адабиётининг юксалишида Самарқанд адабий муҳитининг роли бекиёс бўлди. Бу даврда Хамид Олимжон, Уйғун, Ойдин, Миртемир, Усмон Носир, Ҳасан Пулат, Амин Умарий, Насрулла Охундий каби ижодкор ёшлар талабалик чоғларидаёқ илм

ўрганишни ижодий иш билан қўшиб олиб борди. Бу ижодий аъёнани кейинчалик университетда тахсил олган Шароф Рашидов, Бурҳон Турсун, Назармат, Ўткир Рашид кабилар давом эттирди.

1950 йиллардан кейинги даврларда кўплаб шоир-ёзувчиларнинг тарбия топиши ва шаклланишида ҳам университетнинг ўрни катта. Университет бу даврда Б.Бойқобилов, О.Хусанов, Ф.Саломов, Н.Нарзуллаев, О.Матжон, М.Норматов, С.Сирожиiddинов, Д.Файзий, Ф.Товшев, У.Отаева, Х.Бобомуродова, Б.Турובה, Э.Шукурова, И.Ҳасанов каби истеъдодли ижодкорлар етишиб чиқишида жуда катта ижодий мактаб вазиёсини ўтади.

Кейинги йилларда бир қатор ёш ижодкорлар воғга етиб, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва бошқа ижодий ташкилотларда самарали меҳнат қилмоқда.

Самарқанд давлат университетида 90 йил давомида шаклланган тилшунослик ва адабиётшунослик мактаби вакиллари бугунги кунда тилимиз ва адабиётимизнинг турли қирраларини таҳлил этиш, устозларнинг бой илмий аъёнларини муносиб давом эттирган ҳолда ўзбек тили, ўзбек адабиёти тарихи, матншунослик, адабиёт назарияси, адабий алоқалар каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Муслихиддин МУХИДДИНОВ,
Самарқанд давлат университети профессори.
ЎЗА

Спорт

Лондон шаҳрида пара-атлетика бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. 23 июлга қадар давом этадиган мусобақада 1300 га яқин спортчи 213 медаллар жамланмаса учун курашмоқда.

ОСИЁ РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Узунликка сакраш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Дониёр Солиев 7.18 метр натижа қайд этиб, Осиё рекордини янгилади ва олтин медални қўлга киритди. Шведиялик Жонсон Тобиас 6.99 метр натижа билан иккинчи, Беларусь вакили Сергей Бурдуков 6.77 метр натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоамиз аъзоси Хуснуддин Норбеков мусобақанинг иккинчи кунда диск улоқтириш баҳсларида 54.73 метр натижа билан биринчи ўринни эгаллаб, иккинчи маротаба жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган эди.

ЁШЛАРИМИЗ ОСИЁДА ТЎРТИНЧИ



Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда китамизнинг 17 давлатидан ёш дзюдочилар голиблик учун кураш олиб борди. Мусобақа якунларига кўра, терма жамоамиз аъзолари 10 медал билан умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.

Чемпионатда 66 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Артём Штурбабин барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони бўлди. Терма жамоамизга иккинчи олтин медални 73 килограмм вазнда татамига чиққан Мусо Собиров тақдим этди. У финалда мўғилистонлик Батболд Булгани муваффақият билан мағлубиятга учратди.

Шунингдек, ҳамюртларимиз Шермухаммад Жандреев, Манушер Ширинов, Бехруз Омондавлатов, Гулнур Муратбаева ва Санобар Султонова кумуш медални қўлга киритди. Алишер Юсупов, Камрон Нуруллаев ва Кимё Мамарасулова бронза медал билан тақдирланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шахбоз САИДОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Ўзбекистон овози» газетасининг 2017 йил 13 июль, 84-сонда эълон қилинган танлов бекор қилинганини маълум қилади ҳамда партия логотипи туширилган 2000 дона футболка, 1000 дона футболка поло, 3000 дона рубка, 3000 дона блокнот каби тарғибот воситаларини тайёрлатиш ҳамда 1 дона кўп функцияли принтерни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун эълон чиққан санадан бошлаб, 1 август кунга соат 16.00 га қадар қуйдаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, 100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3.
Телефонлар: (0-371) 239-18-49, 239-83-12

Миллий матбуот марказида

«Агробанк» халқимиз хизматида

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз фаолиятини бошлашига қўмаклашиш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чоратадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Аҳолининг ишончини қозониш, уларнинг тадбиркорлик борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш учун барча чораларни кўрмоқдамиз,

— дейди «Агробанк»нинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Абдукарим Исмаилов. — Шу мақсадда кичик бизнес субъектларига 666 миллиард 700 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 142 миллиард сўмга кўп ёки 127 фоизга ўсгандир. Томорқаларида тадбиркорлик қилиш имконияти бўлган хонадонлар ўрганилиб, 54 мингдан зиёд оилга 323 миллиард 200 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бундан ташқари, чорвачиликка 245,2 миллиард, паррандчиликка 31 миллиард, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга 4,2 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Озёк-оват маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мажмуар моқни ривожлантиришга 382 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилган бўлса, йил якунига қадар яна 540 миллиард сўмлик молиявий ресурслар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама

ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, ёшлар бандлиги, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштириш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда 20 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ана шу мақсадга йўналтирилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

амкодор

ИП ООО «АМКОДОР-TASHKENT»
официальный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

Автогрейдеры

Экскаваторы гусеничные и колесные

Автопогрузчики вилочные (3 и 5 тонн)

3 года гарантии

Электропогрузчики вилочные (1,2; 1,6; 2,5 тонны)

Коммунально-уборочные машины

Катки вибродвиговые

Электротележки (2-х, 3-тонные)

Машины фрезерные

Погрузчики с телескопической стрелой

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

Узбекистан, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

Реклама

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin MUHIDDINOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738
9319
naxsada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:35
Topshirilgan vaqti — 00:35
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5